

• ДЕХҚОНЛАР МУҲОКАМАСИГА •

МИНГ шукурки, илик узилди кунлари тугаб, тут пишига ҳам етиб бормоқдамиз. Бозорларда, дўконларда сабзавот, егулик маҳсулотларнинг ўтган йилги ҳосили тугаб, янги ҳосил пишиб етилмоқда. Ҳар қалай баҳор кечиккани билан кейинги дамларда кунлар исиб, даладарда экин-тикин ишлари авж олганлигидан умид катта. Зора, деҳқончилик ишлари бароридан келиб, ҳосил мўл бўлса, деб умид қилмоқда халқимиз.

— Умуман олганда ишларимизнинг бориши анча дуруст, — дейди вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг сабзавотчилик ва мевачилик бўйича ўринбосари Баҳром Носиров. — Миришкорларимиз ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланмоқдалар. Бу йил режа бўйича 20 минг 336 гектар ерда сабзавот етиштирилади, 11 минг гектардан ортиқ майдонда эртаки сабзавот экилиб, бу соҳадаги режа ошириб бажарилди. Лавлаг, саримсоқ экиш ҳам кўнгилдагидек бўлди. Бироқ, пиёз экиш режаси бажарилмади. Оҳангаронда 550 гектар, Бўкада 193 гектар ерга пиёз экилмай қолди. Дафъатан ҳавотирланасан киши. Ҳозир бозорда пиёзнинг нархи кескин кўтарилиб кетди. Бу аҳволда наироққа бориб нима бўлади?

— Нега бундай бўлди?

— Чунки, селитра берилмай қўйилганлиги учун, — дейди Б. Носиров. — Пиёз етиштириш билан шуғулланувчи деҳқонлар бу экинни экишдан воз кечдилар.

Бугина эмас, бошқа сабзавот экинлари етиштиришда ҳам селитра ўғитидан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. Қизиқ ҳолат рўй берди. Ахир, бутун дунёда бу ўғитдан фойдаланмоқда-ку.

— Шу гап ростми? — Сўрадим вилоят кимё хизмати кўрсатиш идорасининг бошлиғи Баҳодир Одиловдан.

— Рост — дейди у. — Қўлимизда жумҳурият санитария бош врачининг махсус кўрсатма-фармойиш қоғози бор. Унда ҳатто ким бу тартиб-қоида бузса иши терговга оширилиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Унинг айтишига қараганда боши ғавғодан чиқмай қолди. Районлардан, хўжаликлардан телефон қилувчилар кўпайиб кетди. Аслини олганда санитария врач буйруғи ҳақдек, туюлади кишига. Чунки, бундай буйруқни беришга асос бор. Уларни ўзимиз мажбур қилдик. Узоқ йиллар давомида деҳқонларга имкониятларини ҳисобга олмай, оширилган режалар бердик, қандай бўлмасин уни

бажарасан дедик. Деҳқон нима қилсин. Режани ҳам бажариши керак, ўзининг тирикчилигига ҳам қолиши зарур. Бунинг устига бошқа «майда-чуйда» чиқимлари ҳам озмунча эмас. Шунинг учун ҳосилни кўпайтираман деб атайин селитрага ружу қилишлар бошланди. Бундан айрим ноинсоф учар деҳқонлар ҳаддан ташқари ўз манфаатларини ўйлаб фойдаландилар. Шундай мавсумлар ҳам бўлдики, деҳқонлар етиштирган, бозорларга келтирилган қовун-тарвузларни оғизга олиб бўлмай ҳам қолди. Бу аҳвол ҳаммани, айниқса, санитария шифокорларини ташвишга солди. Зудлик билан чора-тадбирлар кўрилди, ҳар йили қатъий текширишлар ўтказилган бўлини.

Лекин барбир бу текширишлар, тежаб-тергашлар

ни қўллашни зарур деб топдилар.

Бироқ, деҳқонлар эса бу қарорни бир ёклама деб изоҳламоқдалар. Одилов бу ҳақда вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисига хат йўллади. Аҳволни баътафсил баён этди. Бироқ, у ерда ҳам муаммо ҳал этилмай қолди. Бу муаммодан вилоят, ҳатто республика раҳбарлари ҳам хабардор бўлишларига қарамай, у ҳамон ечилмасдан қолмоқда.

Хўжаликлардан келиб талаб қилувчилар эса кўпайиб бораётир. Хўш, нима қилиш керак? Ўзи сабзавот ҳосилини селитрасиз етиштирса, мўлжалдаги ҳосилни олса бўладими? Бу саволга жавоб

25—30 тонна гўнг солинади. Айрим сабзавот турларига, масалан, саримсоқ, бодринг, помидорга 40—50 тонна гўнг берилади. Лекин шу билан, бирга 1 гектар ерга 80—100 килограмм аммофос, 120—150 килограмм соф ҳолда аммиак селитраси солинади. Шундагина ҳосилдорлик 50 фоиз кўпаяди ва маҳсулот сифатли бўлади. Биз бу нормадан кўп ўғит қўлланишига сира йўл қўймаймиз. Бундан ташқари ҳар бир экинга селитрани солиш вақти қуйидагичадир. 50 фоиз селитра экиндан олдин, қолгани ўсув даврида берилиши керак. Шундагина у ўсимликнинг мевасига мутлақо таъсир қилмайди. Айрим мутахассислар ва деҳқонлар экинга гуллаш ва ҳосил олиш даврида берадилар. Бу мутлақо нотўғри ва

бериладиган азот, фосфор ва калий ўғитларининг нисбатан 1, 0,7, 0,5 бўлиши керак. Ўғитни ишлатиш муддатларининг аҳамияти катта. Асосан гўнг, фосфор ўғитларининг 70—75 фоизи, калий ўғитининг 50 фоизини ерни ҳайдаш пайтида солинади. Қолган фосфор ва калий ўғитларини азотли ўғитлар билан бирга икки муддатда берилади. Биринчи озиқлантириш керак, помидор кўчатлари тўлиқ тугганида, картошка, сабзи-пиёз униб чиққанида, иккинчи озиқлантириш эса керам бош ўраш, помидорда ҳосил туғиш, бодрингда гуллаш, найчалаш, сабзида илдиш мевалари жадал ўсиши, картошкада эса туганаклар пайдо бўлиши пайтида амалга оширилади. Озиқлантиришни бу муддатларидан кечиктириш ҳосил сифатига акс таъсир этади.

Мана, олим, мутахассисларнинг ёзма равишда бизга йўллаган мактубларининг қисқача баёни. Бундан хўлоса чиқариб олиш ҳар кимнинг ўзига ҳаволадир.

Мен шу ҳақда ўйлар эканман, еримизнинг, ҳатто, уруғгача селитра сингиб кетган экинимизнинг ҳолатини бағи одамга ўхшатим келади. Бундай одамга шифокорлар, агар чекишни ташламасангиз, охир-оқибатда соғлигингизга жиддий путур етади, деб маслаҳат беришади. Лекин, у одам бирдангина чекишни ташлаб юбора олмайди, албатта. Бу ҳолда соғлиғи тўсатдан ёмонлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун унга чекиш нормасини оз-оз камайтира бориб, сўнгра бутунлай воз кечиш мумкин, деб айтиладир. Бу назаримда тўғри ва оқилона, адолатли маслаҳатдир. Шундай экан, жумҳурият санитария бош шифокорининг қарори ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Ўхтимол қарорга селитрадан оз-оз миқдорда, нормага, ишлатиш муддатларига қатъий амал қилинишини жиддий назорат қилган ҳолда бериш лозимлиги ҳақида ўзгартриш, қўшимча киритиш ва сўнгра бу кўрсатманинг ҳамма ерда қатъий назоратта олинишини йўлга қўйиш керакдир. Ҳозирги бозор шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, халқнинг, кўпчиликнинг манфаатини ўйлаб, шундай қарорга келиш, бизнингча, тўғри ва адолатли иш бўлар эди.

Лекин қандай бўлмасин, муаммо ҳал этилиши керак. У ечимини кутмоқда. Бурчага ачиқ қилиб, кўрпани куйдириб қўймайлик, тагин.

Н. РИХСНОВ.

САБЗАВОТГА СЕЛИТРА СОЛИШ КЕРАКМИ? ЙЎҚМИ?

• Муаммо ечимини кутмоқда •

маълум муддат, маълум вақт деҳқонларни селитра ишлатишдан тийиштириб турган бўлса ҳам, бироқ бу «офат»нинг олдини олиб бўлмасди. У борган сари бошқа сабзавот экинларига ҳам тарқаб борарди. Оқибатда сабзавот ҳосилини истеъмол қилиб, ундан заҳарланиб, ҳатто касалхоналарга тушиб қолари ҳам содир бўла бошлади. Деҳқонлар номига таъна, дашном, аччиқ, қуруқ гаплар кўпайгандан-кўпайди. Масалан, ўтган йили Оржоникидзе районидаги «Лимония» жамоа хўжалигининг жумҳуриятдан ташқарига юборган маҳсулотига нитрат кўпайиб кетганлиги учун шикоят хати келди. Бу масала вилоят халқ назорати қўмитасида жиддий муҳокама қилинди.

Биринки мингга, мингники туманга тарқалди. Ана шундан сўнг санитария шифокорлари бу йилдан бошлаб сабзавоткор хўжаликларга селитра ўғитидан фойдаланишни ман қилувчи қарор қабул қилишга мажбур бўлган эдилар. Уларни ҳам тушуниш керак. Атроф-муҳитнинг мусоффолиги, энг муҳими одамларнинг сийхат-саломатлигини ўйлаб шу чора-

олиш учун деҳқонларнинг ўзларига ҳам мурожаат қилдик.

Маълумки, шаҳар атрофидаги хўжаликларда ер йил сайин камайиб бормоқда, — деб бизга изоҳ беришди Калинин районидаги Калинин номи жамоа хўжалигининг бош агрономи Дадақўзи Каримов ва илгор бригада бошлиқларида Қобил Фозлов, Носир Қайумов, Уткир Сиддиқов ўртоқлар. — Хўжаликларда бир гектар ердан 2—3 марта ҳосил олишга тўғри келади. Бизнинг фикримизча бу мутлақо нотўғри, айниқса, ҳозирги озиқ-овқат танқис бўлиб турган вақтда ўйламасдан қилинган иш деб биламиз. Ерларга бир марта экин экиб, қолган вақт давомида шудгор қилиб, қиздириб қўйиш имконияти бўлганда бошқа гап эди. Ерга қайта-қайта экин экилгач, 5—6 марта ўрнига 15—18 марта сув берилади. Натижада тупроққа ҳеч қандай ҳаво, қуёш нури таъсир этмаяпти. Бунинг устига алмашлаб экиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бунга имкон ҳам йўқ. Тўғри, бизнинг шароитда маҳаллий ўғитдан ҳам жуда яхши фойдаланилади. Ҳар гектар ерга ўртача

зарарлидир, деб ҳисоблаймиз.

Олимлар, мутахассислар нима дейишади?

— Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, — дейди сабзавот-полиэс ва картошкачилик илмий тадқиқот илмгоҳи агрохимия лабораторияси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Х. Умаров, — сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан фойдаланиш зарур. Бунда, албатта, унинг маҳсулот сифатига кўрсатадиган таъсирини ҳам ўйлаш керак бўлади. Ўғит нормасини белгилашда режалаштирилган ҳосил ва тупроқ унумдорлиги ҳисобга олинади. Масалан, бир тонна картошка ҳосили олиш учун соф модда ҳисобда 10,8 килограмм азот, 8,5 килограмм фосфор ва 5,6 килограмм калий сарф бўлади. Помидорга 7,3 килограмм азот, 5,7 килограмм фосфор, 3,4 килограмм калий ишлатиш керак.

Сабзавот экинларига фақат бир турдаги минерал ўғитни, айниқса азотли ўғитни бериш асло мумкин эмас. Бу маҳсулот таркибидан нитрат азотининг тўпланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун

• Инсон омили •

ЯХШИ НИЯТ—ЁРТИ МОЛ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» колхозига Гофиржон Бўрибоевнинг раислик қилаётганига эндигина бир йил бўлаёпти. Янги раҳбар янгиша шароитда ишламоқда. Нега? Ахир, у аввал ҳам шу хўжаликда 10—15 йил ишлаган, одамлар таниш, синашта, ернинг шароити маълум бўлса.

— Ҳамма гап шундаки, ўтган йилги кўнгилсизликлар натижасида хўжалигимизда истиқомат қилаётган меҳсети турк миллатига мансуб 520 та онла кўчиб кетди. Табиийки, йилнинг ярмида бўлиб ўтган бу воқеа колхоз иқтисодиётига таъсир қилмасдан қолмади. Экинлар айни парваристалаб даврида қаров-

сиз қолга тушди. Ер эгасиз, хўжалик издан чиқай деб қолди. Колхоз ҳаётида катта зулм рўй берди. Раисдан тортиб механизаторга далага чиқиб меҳнат қилишга тўғри келди. Кўп одамлар ишга таклиф этилди.

— Янги кўчиб келган оилаларга қандай ёрдам берилди?

— Уларга уй сотиб олишлари учун қарз берилди. Озиқ-овқатдан ёрдам қилдик: 70 тонна шоли тарқатдик. Шу кунгача 36 бош қорамол, 326 бош қўй сотдик. Албатта, бу чорва моллари бозор нархидан арзонга тушди. 226 тонна сомон, 387 тонна силос, 362 тонна беда

ҳам бердик. Сўраганларга ҳозир ҳам бериб турибмиз. Яна сотилиши керак бўлган 30 тонна хашагимиз бор. Қўлимиздан келганча мурувват кўрсатяпмиз одамларга. Чунки, ёш оилаларнинг чўнтагида ортиқча пули, йиғиб қўйган қоп-қоп дон-дунни йўқ.

Кўчиб келаётганларнинг кўпи узоқ муддатга қарз олиб, тайёр уйларда яшашни маъқул кўришапти. Бу табиий, чунки, иморат солишининг ўзи бўлмайди. Қурилиш материаллари тақчил, борларининг ҳам нархи осмонда. Шундай бўлса-да, 38 киши ер сўраб, ариза ёзган эди. Шундан 20 одамга 13 сотихдан томорқа беришга қарор қилдик. Колхозимиз

учта участкадан иборат бўлиб, ҳозир Фрунзе бўлимини газлаштириш, сув билан таъминлаш ишлари олиб бориляпти. Кейинги йилда Свердлов бўлими ҳам газлаштирилади. 1992 йилда қўшимча боғча, мактаб қурилишини бошлаб юборишни режалаштирганмиз. Бу ишларни қай даражада уddалай олишлимиз йиллик ҳосил натижасига, келадиغان фойдага боғлиқ.

— Дала ишлари қандай?

— 912 гектар майдонда пахта етиштирамиз. Шундан 421 гектари шартнома асосида ижарачиларга берилди. 72 гектар ердаги сабзавот экинларини, 30 гектар ердаги тарвузни ҳам ижара пуд-

рати асосида меҳнат қилаётганлар парвариш қилишапти. Бу усул, биринчидан, ишчи кучи етишмаётган шароитда қўл келса, иккинчидан, одамларда ўзларига бўлиб берилган майдондаги ҳосил тақдирга масъулият ҳиссини оширади. Ер қаровсиз қолмайди. Ижарачи келишилган миқдордаги маҳсулотини топширгандан сўнг, ўзи ҳам манфаат кўради. Ўйлашимча, бу усул икки томонлама фойдали бўлади. Манфаатдорлик одамларни ҳаракатга келтиради, деган гап бор-ку, ахир. Орзуга айб йўқ. Келажакда маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик цехлар қуриш ниятимиз бор.

...Яхши ният — ёрти мол. Раиснинг ниятлари покиза. Улар тўлиқ амалга ошса, албатта, меҳнат аҳли мамнун бўлади.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

• Мавзуга қайтиб •

ЯНА ЛОҚАЙДЛИК ҲАҚИДА

ЯҚИН-яқинларда маҳаллий рўзномаларда босилган «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик», «Лоқайдлик гирдоб» мақолалари газетхонлар хотирасидан кўтарилганича йўқ. Мақола муаллифлари мевали дарахтлар ва боғларнинг асосий қирқилиб кетаётганлиги, одамларимизнинг лоқайдликлари ҳақида куюниб ёзишганди. У вақтда бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг ошиши каби гаплар ва ҳозирги амалда бўлаётган ишлар ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Бугун нарх-наво осмону фалакка чиқиб кетаётган вақтда юқоридаги мақолаларнинг ниҳоятда долзарблиги яна бир бор намоён бўлмоқда. «Жаннатда ҳам топиламан бу боғлар», деб фахрланиб куйласагۇ жумҳуриятимиз пойтахти бозорларида олманинг килоси 5—7 сўм, анор — 12—18, узум 15—20, майиз, ёнғоқ, туршак ва бошқа меваларнинг нархи ҳам ҳўлу-қуруғи баробар ёнаётган бўлса... Дарвоқе, «Жаннатда кўрмоқ бору, ёмоқ йўқ».

Уч-тўрт йил бурун Рига шаҳрида бўлганимдаги бир воқеа ҳамон менга тинчлик бермайди. Шаҳарда сайр қилиб юрган эдик, бир жойда 10—15 чоғли одам турли хил мевалар билан савдо қилиб ўтиришарди. Мевалар орасида ял-ял ёниб турган ниҳоятда чиройли қизил олма эътиборимизни тортди. Олма харид қилаётганимизни кўриб сотувчи хотинлар ўзaro ўз тилларида гаплаша кетдилар. Охири бир шаддотроғи рус тилида «Йигитлар, қайси шаҳардансиз?» деб сўради, «Тошкентдан» дейишимиз билан 2—3 аёл баробарига кулиб юборишди. Кулги сабабини эртасига тайёрагоҳда тушундик. Олган олмамиз жуда ширин, энг муҳими на фақат пўсти, эти ҳам то урунганча ҳин-қизил экан. Еганимиздан қолганини целлофан

халтачага солиб, худди қимматбаҳо ёдгорликдек кўтариб олган эдик. Чипталаримизни қайд қилиш навбати келганида 5—6 олма солинган халтачани кўриб навбатчи қиз ҳам кулиб юборди. Унга ёнида юкларни тарозида тортиб турган йигит қўшилди. Орқамиздан боғчи қизнинг кимгадир «манави телбаларни қаранг, Ригадан Тошкентга шу олмани олиб кетишяпти» деб яна кулгани эшитилди. Улардан ҳафа бўлмадик, Ойнаи жаҳон орқали жумҳуриятимиз ҳаётига оид турли-туман кўрсатувларни кўриб «Ўзбекистон мевага қон» деб ўрганган кишилар бизда бундай олмалар йўқлигини, бордининг ҳам нархи уларникидан анча юқори эканлигини қаёқдан билишсин, лекин кулги бўлишимизга ўзимиз ҳам айбдор эканлигимиз, аниқроғи лоқайдлигимиз ҳам сабаб эканини тан олмай иложимиз йўқ.

Шаҳарнинг жадал суръатлар билан ривожланиши, табиики, мевазорларни камайиб кетишига олиб келмоқда. Тошкентда кейинги йилларда барпо бўлган ва кундан-кунга кенгайиб бораётган юн Сино ва Алгоритм даҳалари айнан боғу, роғлар ва серҳосил экинзорларни қуритиш ҳисобига бунёд бўлмоқда. Янқа тартибда уй-жой қурилатган даҳаларда ҳам аҳвол худди шундай. Ҳатто бундан ҳам ачинарли. Даҳалар «Мевазор», «Ўрикзор» каби номлар билан аталади. Дарҳақиқат бу ерлар мевали боғлару, ўрикзорлардан иборат эди. «Ўрикзор»нинг ўрикзорлик вақтида ҳам у ерда кўп бўлганман.

Исми жисмига мос бу жойлардаги турли-туман мевали дарахтлар, боғларни кўриб ҳавасинг келарди. Афсуски бизда қурилиш зарурми, нозарурми дарахтларни кўпориб ташлашдан бошланади. Шу маънода ўрикка

зор бўлиб қолган «Ўрикзор»нинг бугунги аҳволини кўриб ташвишланасан киши. Наҳотки азим бинолар қуриладикан майдонлардаги дарахтларни ҳисобга олиш, қурилишга зарари тегмайдиганларини сақлаб қолиш, ҳамда буюртмачиларга объект ва унинг инженерлик иншоотларини топширгандек объект худудидаги мевали дарахтларни ҳам топширишни амалда жорий этишнинг иложи бўлмаса. Тошкентдаги Лутфий номли янги қурилган 254-мактабда бўлганимда бир нарсаси эътиборимни тортган эди. Мактаб ҳовлисида ёш-ёш ниҳоллар экилган, четроқда бино деворидан 2—3 метрлар чамасида эса шохлари мактабнинг 3-қавати деразаларига тегай-тегай деб турган ўрик дарахти савлат тўкиб турарди. Афтидан ўрикнинг ерга экилган дастлабки сатҳи қурилиш битгандаги ҳовли сатҳидан юқори бўлган бўлса керак, дарахт атрофида 1,5 метрлар чамаси радиусда тупроқ тўпланиб сунъий тепалик ҳосил қилинган ва дарахт сақланиб қолган эди. Ушанда бу жуда оддий, шу билан бирга инсондан табиатга меҳр таллаб этувчи манзарага тикилиб туриб, мактаб биносини қурган «Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести қурувчиларига офарин айтиб, беихтиёр «бўлар экан-ку» деб юборган эдим.

Яқинда иттифоқо Саломатин кўчасидан кетатуриб яна «бўлар экан-ку» деб юбордим. Саломатин кўчаси Волгоград кўчасидаги биродарлик қабристонига туташ кўча. Бу ерда қатор экилган олма дарахтлари қийос гуллаб жуда ажиб манзара кашф этган. Айниқса, 176-уй олди жуда обод, катта йўл билан уй орасидаги бир парча ерда сағирмоқ, укроп ва ҳар хил кўкатлар, атир гуллар барқ уриб ўсиб ётибди.

Дид билан таралган ток новдалари чиройли сўриларда кўкка интилади. Кираверишдаги бир туп ўрикнинг довуччалари катта бўлиб қолган. Ўрикнинг тагида тахтадан ўриндиқ ясаб қўйилган. Очиқ эшикдан ҳовли ичидаги кўкаламзор, кишини баҳри дилини очувчи манзара кўзга ташланади. Эшик олдида нотаниш одамни пайдо бўлганини кўриб ичкаридан елкасига чопонини ташлаб олган, сочлари оппоқ, истараси иссиқ бир киши чиқиб кела бошлади. Бу одам собиқ ишчи, ҳозирда меҳнат фаҳрийси Мамат ота Мамадиёров эканлар. Мамат ота олматорнинг бунёд бўлиши тарихини сўзлаб бердилар, кейин жиддий оҳангда: «Афсуски беш қўл баробар эмас. «Олма пиш-оғимга туш» дегани билан иш битмайди. Айрим баракат топгулар борки дарахтларни парваришлаш у ёқда турсин, шу дарахт тагига маргаваларини тўкадилар, кузда ҳазон, хашак ва ёниши мумкин бўлган чиқиндиларни дарахтлар остида ёқадилар. Натияжада дарахтлар қуриб қолаётти», — деб қўшиб қўйдилар. Мамат отанинг куюниб гапиришлари бежиз эмас. Худди шу кўчанинг бошқа айрим хонадонлари олдидаги манзара бутунлай бошқача. Ҳамма шариоит бир хил, фақат табиатга, ерга бўлган меҳр ҳар хил. Бундай манзараи шаҳримизнинг бошқа кўчаларида ҳам учратиш мумкин. Бир хонадон олди обод, кўкаламзор, бошқасиники эса култепа бўлиб ётибди.

Тошкентда 330 га яқин маҳалла бор. Ана шу маҳаллаларда истиқомат қилувчи кишиларни ҳатто бир боғ кўкати ҳам бозордан сотиб олишлари жуда ачинарли. Кўпчилик хонадонлар шунақа нарсаларни ўзлари етиштириш имкониятига эгалар, бунинг учун озгина иштиёқ бўлса бўлгани. Тошкент кў-

чалари неча километрни ташкил этишини билмадим, лекин ҳамма кўчаларга номи ҳам номаълум дарахтлар экилган. Жилла бўлмаса маҳаллаларда бу бефойда дарахтлар ўрнига мевали дарахтлар экилганида ҳам Тошкент кўчаларининг ўзидан тонналаб ҳосил олиш мумкин бўларди.

Аслида бу гаплар, шунингдек «ободонлаштириш ойна», «кўкаламзорлаштириш ойна» каби мавсумий тадбирлар аниқлик эмас, лекин булар сувга отилган тошдек лоқайдлик ботқоғига фарқ бўлмақда. Бунинг устига турли-туман муаммолар кўпайиб кетди. «Экология» деган сўз тилимиздан тушмай қолди. Шу сўзни ўзимизга ҳам тадбиқ этиб, «одам экологияси» ҳақида ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди. Ота боболаримиз кўчат экинганда «Ба ниёти ҳайр» деб экишган. Бу гапларни унутганимиз йўқ, лекин яна ўша лоқайдлик балосига учраб қачонгача бировни меҳр билан экиб қўйган ниҳолларини, пайвандларини бировлар синдираётганини, бировнинг дарахтига биров молини боғлаб қўйганини ва шунга ўхшаш нохуш манзараларни кўриб кўрмасликка оламиз. Қолаверса, маҳаллалардаги, районлардаги ободонлаштиришга мутасадди бўлган ўртоқлар бу масалага жиддийроқ ёндашиб, зарур бўлганида айбдорларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаб, ҳисоботлардаги экилган кўчатлар сонини билан фахрланмай, «жўжани кузда санасалар» чакки бўлмасди. Шунда кўп соҳаларда нарх-наво ошиб уни пайсайтиришга иложсиз қолаётган бир вақтимизда жилла бўлмаса бозорларда меваларнинг нархи пайсайган бўларди-ку!

Тўқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
нинг штатсиз муҳбири.



КЕТМА-КЕТ телефон жинрийлайди. Навбатчи диспетчер трубкага кулоқ тутиб «Сизга Отабеков боради», дея уни қўяркан, юзидан табассум ўйнайди...

Навбатчининг кўтаринки кайфияти боиси билан қизиб қолсангиз оғзидан бол томиб Мамажон ака Отабековни мактай бошлайди:

— Машина сўраб телефон қилганлар Мамажон ака номини эшитишлари билан яраб кетишади, — дейди у. Шунда улардаги кайфият менга ҳам ўтади...

Мамажон ака билан ҳамсухбат бўлмабсиз, оламга келмабсиз. Суратига қараб баҳо берсангиз янглишасиз. Негаки, бу бир оний кайфият. Аслида бу одамнинг оғзи тўла кулги, қалби тўла нур...

Машина эшигини очгани билан «Марҳамат, марҳа-

КЕНГГА
КЕНГ ДУНЁ

мат!» дея жилмаяди. Унинг очиқ чехра, ширин сўз билан кутиб олишининг ўзидеёқ қўшдек энгил тортасиз. Уёқдан буюқдан гаплашиб қандай қилиб манзилнингизга етиб олганингизни ҳам билмай қоласиз. Уша кунги сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим воқеалар — бу референдумми, нарх-навонинг ошиши-ю, бунга одамларнинг муносабати, Наврўзни она юрти Қўқонда ўхшатиб кутишгани борми, ўглини уйлантириш учун дон-дун, қолаверса бироз ичкилик қидириб тўй тараддуидида юрганими, бугунги матбуотдаги унинг назарида энг шовшув бўладиган мақола хусусидаги гапми — ёниб сўзлайди. Бу масалаларда ўз нуқтаи назарини билдиради. Сизнинг мулоҳазаларингизга қизиқаётгани ҳам сезилиб туради. Машина ўнқир-чўнқирга тушиб кетса айбдордек ҳижолат чекади. Йўлларнинг қаровсизлигидан койиниб қўяди. Йўллар учун солиқ ошса ҳам уни тузатишдан дарак йўқ, деб куйинади. Йўлларни тартибга солиш, асфальт ётқизиш ишларини кооператив ташкилотларга

топшириш керак, деган қатъий фикрни айтади. Авария ҳолатида ётган машиналарни кўрганида қаттиқ ҳафа бўлиб кетади.

— Аварияга асосан малакасиз ҳайдовчилар сабабчи, — дейди у тўтоқиб. — Олти ой ўқиб шофёрлик гувоҳномаси олган йигитларга тўғридан-тўғри автобус ҳайдаш топширилади. Ваҳоланки, йўловчиларни ташиш энг оғир, энг масъулиятли вазифа. Йилгарилари янги ўқишни битирган шофёрларни эски машина бериб икки йил мобайнида ҳайдаши синаб кўрилди. Синовдан яхши ўтса бироз юрилган машинага ўтказиларди. Беш йиллик тажрибага эга бўлган шофёргагина автобус ҳайдашга ишонч билдирилди. Имтиҳондан ўтган ана шундай яхши тажрибаларни бугунги ишларимизга татбиқ этсак камчиликлар бартараф бўлади. Тасодиқ рўй бераётган нохушликларнинг олди олинади.

— Йўл ҳаракатидаги яна қандай муаммолар сизни безовта қилляпти?

— Йўл қондаларини аксари ҳолларда шахсий машина

эгалари бузадилар десам ҳато бўлмас. Батзи шаҳарларда йўл ҳаракатлари ишини енгилаштириш мақсадида шахсий машиналар жуфт ва тоқ рақамларига қараб юрадиган кунлари белгиланган. Бу йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашдаги энг маъқул усуллардан бири деб ўйлайман ва бунга бизда ҳам тезроқ ўтсак шунча яхши бўлади, деган фикрдаман.

Бугун Мамажон акани ҳар вақтдагидан ҳам кайфияти чоғ учратдим.

— ... Ютуқ чиқди, ютуқ, — дейди у жилмайиб қувончини биз билан бўлишаркан. — Буни қарангки, чўнтагимнинг бир чеккасида қолиб кетган мана бу пул-буюм лотереясини кунни кеча топиб олсам, нақ ипак гилам ютиб турибман-да. Ҳар бир фарзанднинг ризқи ўзи билан деганлари ризқ экан. Уйлантираётган ўғлимга осмондан тушгандек совға бўлди-да...

Ниятингизга етинг, Мамажон ака! Уч ўғлингизнинг ризқини кўринг. Уч ўғлингиз орақасидан яна уч чилвир сочили келинчақлар келиб пирубадавлат бўлинг. Невара-чевараларингизнинг ширин ташвишида ҳам бағрингиз шундай кенг, чехрангиз очиқ бўлсин, уларнинг соғлом, етуқлиги, ўз иши, касбига садоқати сизнинг хизматларингизга завожа олган қўша-қўша фаҳрий ёрлиғу мукофотларингизга зийнат бўлиб қўшилиб бораверсин.

Кунни кеча сиз хизмат қила-

ётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти автогражи ишчи ходимлари тузилган кунингиз билан қизғин кутлашди. Елкангизга тўн солиб, бошингизга чуст дўппи кийдириб, белингизга шох-и белбоғ боғлашди. Ҳар кимни ҳам шундай кунларга етказсин. Сиз иззат иқромга лойиқ одамсиз. Негаки, ўзингиз ҳам одамларни бошингизга кўтариб, бир умр ардоқлаб келмоқдасиз.

Халқимизнинг одам билан одамнинг фарқи бор деган нақли бор. Ҳа, инсоннинг ҳақиқий баҳоси солиштирганда кўринади. Ҳамкасбларингизнинг кўпини кўрганмиз... Улар орасида хизмат вазифасини эмас, нақ ўз ёнидан сенга яхшилик қилаётгандек миннат билан қарайдиганлари ҳам бор. Йўл ҳақини бироз ошириб бераётганингга ҳам қаноат қилмай, пулингни юзингга отиб, уруш-жанжал чиқариб, ҳақоратга ўтадиганлари ҳам бор... Шунда негам унинг машинасига чиқдим-а, бундан кўра яёв юрсам бўлмасмики, дейдиган, кенг дунё кўзингга тор кўринган пайтлар бўлган. Сиздек дилкаш, беғубор инсонлар билан ҳар оний учрашув эса тор дунёни кенг оламга айлантиргани, кўнгилларда баҳор чечакларини ундиргани ризқ. Кенгга кенг дунё деганлари шудир-да.

Д. МАҲМУДОВА,
СУРАТДА: Мамажон Отабеков.
Р. ШАРИПОВ суратга олган.

Аёл олами

ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Ҳозирги кунда турмушимизнинг аёллар меҳнат қилмаётган ёки улар билан боғлиқ муаммолар учрамайдиган бирор соҳаси йўқ. Айниқса, қишлоқ аёлларининг ҳаёти ҳақас қилгудек эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий тангликлар турмуш шундоқ ҳам оғир қишлоқ аёллари ҳаётини янада муркаблаштириб юборди. Шунинг учун ҳам бизнинг энг асосий вазифамиз, уларнинг қувончу-ташвишларига шерик бўлиш, оғирларини енгиб қилиш.

Районимиздаги 120 минг аҳолидан 55 минг нафарга яқинини аёллар ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли 28 мингдан зиёд хотин-қизлардан 13701 нафари турли хўжаликлар, корхона ва муассасаларда меҳнат қилдирилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш мумкин, районимиз пойтахтга яқин жойлашганлиги бир қанча муаммоларни ҳал этмишда, тусусан ишлашни ҳоҳловчиларнинг иш билан таъминлашида бир мунча қулайлик яратмоқда. 5500 хотин-қиз район ҳудудига яқин шаҳар саноат корхоналарида, ташкилот ва муассасаларида ишлайдилар.

Қайта қуриш шарофати тугайли аёл ҳақида, унинг жамиятдаги ўрни ва қадр-қиммати ҳақида астойдил қайтарилмоқда. Вилоят, районлар иқтисодий қўмиталари қўшма оналик ва болаликни ҳимоя қилувчи бўлимлар ташкил этилиши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини бошлаганини фикримиз исботидир. Районимизда эса ёш ҳуқуқшунос М. Отабоева оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила муаммолари билан шуғулланимоқда. Шунингдек 81 та бошланғич хотин-қизлар кенгаши ташкил этилиб, бирлашган район хотин-қизлар кенгаши фаолияти ҳам анча самарали бўлмоқда. Унинг партия, совет касба уюшма ва комсомол вакилларидан иборат 23 кишилик ҳайъати тугизган. Унга тажрибали, барчага ибратли оналар Х. Юсупова бошчилик қилмоқда. Ҳайъат аъзолари меҳнат жамоалари, турар-жойларда тез-тез бўлишиб, аёлларнинг кундалик турмушлари билан танишади-лар, дарду-ҳасратларини тинглаб, амалий кўмак берадилар.

Район партия қўмитаси ҳам хотин-қизлар кенгаши фаолиятини мунтазам назорат остига олган. Кейинги бир йилнинг ўзига Кенгаши фаолияти район партия қўмитаси бюросида икки марта муҳокама қилинди, зарур тақлиф ва истақлар билдирилди. Бу қарор ва тақлифлар эса хотин-қизлар кенгашлари шижасига киритилиб, ҳайъат йиғилишларида уларнинг ижросининг бориши тез-тез муҳокама этилади.

Ҳозирги кунда районимизда 228 нафар қарамон она, 3 мингдан зиёд кўп болали она бор. «Ўзбекистон ССР 50 йилгига» жамоа ҳўжалиги сўз соғуниши Мунаввар Исоқова — Социалистик Меҳнат Қарамоми 3 аёл эса вилоят Советига депутат, 5 нафар аёл вилоят партия қўмитаси ва вилоят партия ташкилотининг назорат комитетининг аъзосидир. Шунингдек, район партия қўмитаси ва район партия ташкилотининг назорат комитетининг 19 аъзоси, район, шаҳар ва қишлоқ Советларининг 64 нафар депутатлари жамоат ишларида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Айтиш мумкин, кейинги йилларда қайта қуриш шарофати тугайли миллий қадриятларимиз, энг яхши урф-одатларимиз тикланимоқда. Хусусан, маҳалла комитетлари ҳаётига чуқурроқ кириб боришмоқда. Улар фаолиятини кенгайтиришмоқ-

дамиз. Шу билан бирга маҳалла хотин-қизлар кенгашлари иш ҳам бир мунча жонланди. Айниқса, район хотин-қизлар кенгаши ҳайъати йиғилишларини турли корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказиб, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда. Кейинги бир йил ичига шундай кўча йиғилишлар 14 марта ўтказилди, уларда район соғлиқни сақлаш, иқтисодий таъминот, ижтимоий қўмита, ҳалқ таълими, буним, машиная хизмат кўрсатиш, корхона ва ташкилотлар ишлари оқдирилди. Улар йиғилишларининг тақлиф-истақларини, эътирозларини тингладилар, саволларига жавоб берди-лар, қатор масалалар жойларнинг ўзига ҳал этилиб, ижроси назорат остига олинди. Шунингдек бундай учрашуларда энг яхши таърибага эга бўлган хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла қўмиталари фаолияти бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилади, кеча нисбатда санъаткорлар ва бадий ҳаваскорлар ижросида концертлар уюштирилди.

Бундан ташқари хотин-қизлар кенгаши аъзоларининг ташаббуси билан яна бир қатор қизиқарлиқ тадбирлар, учрашулар ҳам ташкил этилаётти. Таниқли шоирлар Ҳалима Худобердиева, Гулчехра Жўраева, Зулфия Мўминоваларнинг районимизга ташрифи, республика «Билим» жамияти раиси муовини С. Қўрбонова, ЎзССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими мудири О. Аббасова, вилоят хотин-қизлар кенгашининг раиси (қўзир республика хотин-қизлар қўмитаси раис муовини) Д. Ғўломова, республика радиосининг «Дўгонлар» эшитириши иккидўз ходимлари билан бўлган учрашулар жуда қизиқарли ва сермазмун ўтди.

«Ленин йўли» ва Ф. Абдуллаев номидаги кўчаларда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океан минтақаси мамлакатлари хотин-қизлар жамоатчилиги анжумани қатнашчилари билан учрашу ҳам нафақат вилоятимиз, балки жумҳурият миқёсида ҳам катта воқеа бўлди.

Ҳозир биз иқтисодий мурракб даврда яшамоқдамиз. Энг асосий вазифаларимиздан бири — кам таъминланган кўпболали оналлар, ҳомилдор аёлларни иқтисодий муҳофаза остига олишдан иборатдир. Ўтган йили район бюджетни ҳисобидан кам таъминланган оналлардаги ҳомилдор аёлларни бепул озик-овқат таъминоти билан таъминлаш учун 363,6 минг сўм, кам қонли ҳомилдор аёлларга дори-дармонлар учун 47 минг сўм ажратилди.

Шунингдек қанча нархларнинг ошиши муносабати билан ҳузуриимизга иш сўраб келувчилар сонини кўпаймоқда. Ҳозирги кунда 487 аёл ишлаш истагини билдирган. Шунинг ҳисобига олиб, Келес шаҳрида район саноат корхонаси ташкил этилди. У ўзининг дастлабки таъминоти билан — эркаклар тўли ва яқтақлари, кўрпачалар ишлаб чиқара бошлади. Бу таъминотларнинг аксарияти уй шартинда ишлаш истагини билдирган аёллар томонидан тайёрланмоқда. Келажикда бу саноат комбинатини кенгайтиришни, яна 8 та цех ташкил этилиши режалаштирилди. Бу билан қўллаб-қувватлашнинг фойдали иқтисодий меҳнатга жалб этишга ҳам эришамиз.

Ҳ. САЙДАЛИЕВА,
Тошкент район партия комитети котиби.

Партия ходими минбари

Оналар катта ораулар билан яшайдилар. Улар фарзандларини улғайтирар эканлар, ўғил-қизларининг қамолатини кўриш, бахтиёр кунларидаги қувончларидан баҳраманд бўлишни ният қилдилар. Ана шу умид билан сандиққа мато йиғдилар, эшима-эшик юриб келиндикка муносиб қиз ахтардилар.

Суратқашимиз А. ТўРАЕВ тасвирга туширган бу онахонининг секинчи ҳам юз-қўздан шундоққина акс этиб турибди. Зеро бугун унинг ана шундай катта орауларини ушатиб, онахонинга келин келди, аниқроғи фарзандларини қаторига яна бир фарзанд қўштирди. Ўйе у ўзи тушган оилага бир олам фойда-тароват, нур олиб кириди. «Илоё тул қўйиб, палак ёнинг, қўшганингиз билан кўша қаринг», — дея дуо қилади она.

Буёқ ватандошимиз ат-Термизийнинг муқаддас «Сўна» китобидеги ҳадисларидан бирида уч дуодан бири, яъни ота-она дуоси сўзсиз ижобат бўлиши ҳақида сўз юритилади. Зеро, бугун кўнгли пок, ҳаё ва ибодат таъзим бажо қилаётган сўз келинчақ умрбод ота-она дуосини олади, кўша-қариб улар қабил уяли-жували бўлади, деб ишонамиз. Нафрат, суратдаги келинчақ, балки ўзга онахон оstonасига оз-моз ҳади-у, бир олам орау-умид билан қадам қўйдиган барча ёшларга тилагимиз: «Илоё кўнглингиз оқ ҳарир либосингиз қабил пок бўлсин-у, ҳаё, андиша, одоб қабил фазилатлар сизларни ҳеч қачон тарқатмасин».



ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

● **ЧИНОЗ.** Ҳозирги иқтисодий жиҳатдан анча мурракб бир даврда хотин-қизлар ҳаётини кенгроқ қамраб олиш, қувончу ташвишларини, муаммоларини ёритиб, уларга амалий кўмак бериш мақсадида «Ленин байроғи» район рўзномасида «Аёл дунёси» саҳифаси ташкил этилди.

● **ОҚҚўРҒОН.** Кейинги пайтларда район маркази касалхонаси хотин-қизлар Кенгаши фаолияти бир мунча жонланди. Кенгаши ҳайъати аъзолари йил бошида ўз ишларини аниқ режалаштириб оладилар ва шу асосда иш олиб борадилар. Шунингдек, касалхона қўшида ташкил этилган ҳуқуқшунос хонасида ҳам район хотин-қизлари ўзларини қизиқтирган саволлар билан тез-тез муурожаат этиб турадилар ва керакли масалаларни оладилар.

Яқинда бу даво масканида «Иқбол» қизлар кўлиги бўлди. Унда район соғлиқни сақлаш муассасаларида хизмат қилувчи ва ўз меҳнат жамоаларида бўлиб ўтган танловлар тоғилари иштирок этидилар. Жуда қизиқарли ва фойдали ўтган бу қўриқда иштирокчилар — Манзура Бердиқуллова, Насиба Холманова, Зухра Акромова ва Оқила Ҳамдамова-лар нафақат ўз касбларининг билимдон эканликларини, балки уй-рўзгор юмушларини яхши ўқидилар, урф-одатларини яхши билишлари, адабиёт ва санъат ихлос-

суратлар ҳам саҳифанинг ўқимли ва чиройли чиқишини таъминлаган.

Ҳ. ШЕРОВА.

● **ЯНГИЙўЛ.** Район хотин-қизлар Кенгаши ишлашни яхшилаш мақсадида район партия қўмитаси қўшида қабулхона ташкил этиди. Қатъий градиқ асосида ишловчи бу қабулхонада Кенгаши ҳайъати аъзолари «Х» хонасида ҳар шанба кун хотин-қизларнинг турли масалалар бўйича қабул қилдилар, уларнинг дардларини тингладилар, муаммоларини ҳал этишда кўмаклашадилар.

Хонани жиҳозлашга ҳам эътибор берилади. «Савол беринг, жавоб берамиз», «Аёллар сизлар учун», «Хотин-қизлар ҳаётидан» стелдлари ташкил этилади. «Хуқуқшунос бурча»да эса бу ерга муурожаат этувчи аёллар ўз саволларига жавоб олишлари мумкин.

3. ҲАЙДАРОВА.

● **БўКА.** Яқинда район хотин-қизлар Кенгаши ташаббус билан шаҳарнинг фаол аёллари, қишлоқ Советлари раислари, котиблари, хотин-қизлар кенгашлари раислари, маҳаллалар

қўмиталари раислари иштирокчида йиғилиш ўтказилди. Бу йиғилишда ота-боболаримиздан қолган русумларини сақлаган ҳолда, тўли ва маросимларимизни ихчамлаштириш ҳақида сўз борди.

● **Ҳозирги кундаги иқтисодий таъминот ҳеч қимга сир эмас,** — дейди сўзга чиққан район хотин-қизлар кенгаши раиси Мохир Абдуллаева, — Ота-боболаримизнинг ҳеч қайси таомилларида йиллаб йиғиб, ҳафта давомида тўй қилиб сарф қилиш, ёки бўласа матаркаларда етти, йигирма ва қирқ деб етти маҳаллага ош бериш йўқ. Шундай экан, бундай ортинча сарф-ҳаражат, исрофгарчиликлар қимга керак, шундай қийин даврда.

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам бу фикрини маъқуллаб, тўли ва маросимларимизни ихчам, фойдали ва кам қим ўтказиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, шу кунни районда «Аскар оналари» уюшмаси ҳам тугизди. Унинг аъзолари шу райондаги ўғиллари ҳарбий хизматга кетган оналарда бўлади-лар, улар жамият қишлоқтин қисмлар қамқовчилари билан боғлиқ бўлиб турадилар. Афғонистонда ҳалок бўлганлар оналарини ва соғиб афғончилар ҳаётидан қардор бўлиб турадилар. Хурматли онахон Тоққини-си Деҳқонбояева уюшма раиси этиб сайланди.

3. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

БОЛАЛАР УЙИДАН НИДО

Онажон!
Сизни жуда соғинаман,
Тунда кўриб олунам,
Бўғилганимга сизинман,
Жон онажон кела қолинг,
Меҳрибоним бўла қолинг...

Тунлар бедор бўлмагансиз,
Алла айтиб кўрмагансиз,
Мени олиб юрмагансиз,
Қўганимда кела қолинг,
Меҳрибоним бўла қолинг.

Савол бериб ҳў ўзинга,
Ишонмайман ўз сўзинга,
Дунё Сизсиз тор қўзинга,
Жоним онам, кела қолинг,
Меҳрибоним бўла қолинг.

Кўз ёшларини ҳақини,
Болангизман, келин,
Мени олиб ўйга қайтинг,
Онажоним, кела қолинг,
Сиз ғамхўрим бўла қолинг.

Бўлсангизми балки
Эмасдирман бунга бурхон,
Ило, тусмол бўлсин
Бор бўлсангиз кела қолинг,
Меҳрибоним бўла қолинг!

Махфўза МАЖИД қиз.



Биз рўзномаимизнинг аввалги сонларидан бирида бундан бир неча асрлар илгари яшаб, ижод этган истеъдод соҳиблари ҳақида кўра бугунги байрам кунда ўзбек классик шоирларидан бири Зебуннисо ҳақидаги дастлабки мақолани ва унинг форс тилида битилиб, ўзбек тилига таржима қилинган газалини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Зебуннисо 1639 йили Дехли шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Абу Зафар Муҳиддин Аврантэб Бобурнинг паннабираси, онаси Дилрабошу эса Гулбаданбегим (Бобурнинг қизига) авлод бўлади.

Зебуннисо ёшлигиданоқ фозил ва фозилалар қўлида

таълим олди. У илк саводни Ҳафиза Марям отин қўлида чиқарган бўлса, Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулла Жевон қабил шо

стикасти хатларини чуқур ўзлаштира олди. Зебуннисо шонлимадиқ. Баҳодирани, Зебуннисо хотирасига ҳайкал ўрнатиш, ҳибон ташкил қилиш биз авлодларнинг аждодлар руҳи олдидаги қадриятларидир. Шунингдек шоира Увайсийнинг 200 йиллиги (1989-90) ҳам нишонланмади. 1992 йили яна бир ўзбек шоираси — Моҳлар олим Нодирабегим таваллудига 200 йил тўлади. Бу анжуманга тадорикни ҳозирдан белгилаш зарур деб биламиз.

ЗЕБУННИСО

Ўзбек классик шоирлари

ир, олимлардан араб тили қондалари билан бирга қонуншунослик, фалсафа, мантиқ, тарих, шеър ва мусиқа илмларини ҳам ўрганди. Ҳаттолики санъатининг насх, насталиқ ва

етук шоира, олма, созанда ва ҳаттотни тасаввур қилдирилди. Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки, 1989 йили Зебуннисо таваллудига 350 йил тўлган эди. Би-

Қўида ўзбек халқининг ажойиб нозиктаб қизи, форсийзабон шоира Зебуннисо ижодидан ўзбек тилига таржима қилинган битта газал билан танишасиз.

менга шогирд тушиб,
Парвона ҳам шогирд менга, мен
етукман ишқ аро.

Қон билан тўлмишди ичим, гарчи
эрур рангим қизил,
Мисли хино, ки менинг ҳам асли
рангим ботинга жо.
Баски, ғам юкин олиб мен отдим
фалакнинг устига,
Кийди кўк ранг жомал энди кўргил — унинг
қадди дуто.
Шоҳ қиз бўлсам-да, лекин этдим
фақирлик ихтиёр.
Зебу зийнат даркор эмас, номим
ўзи Зебуннисо!

Фарсийдан Д. САИДОВ таржимаси.

1. Кўк ранг жомал киймоқ — кўк рангли кийим мотам белгиси ҳисобланади. Бу байтда: «Мен ғам юқини фалак устига улоқтирганимдан сўнг, унинг орқаси (қадди) эгилиб, ўзи мотамсаро бўлиб қолди», — деган мазмун берилган.

2. «Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеърятиндан» китобчасида бу мисра: «Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўли ихтиёр» — шаклида таржима қилинган.

ИЛГАРИ ЕТАР ЭДИ...

Мана, нарх-наво қўтарилиганига ҳам ярим ойдан ошди. «Фалон нарсанинг мунча бўлармиш» деган тахминий миш-мишлар барҳам топди. Нархлар белгиланди. Ана энди оилаларнинг қандай яшашга ўтаётгани, билан таъиниш мақсадида олдин ишчи — товўқоқар Ноила Нигматулина хонадонда бўлди.

Ноила она ҳамда Огабек ана кўп қаватли уйнинг тўр хонаси — кватирасида беш нафар фарзандлари билан яшамади. Уч ўғил, икки қизлари бор.

Бу аёл 12 йилдан буюн Оржоникидзе районидagi Илчи номи паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи бригадасида ишлайди. Қарамоғида 15 мингта товўқ бор. Тухум топириши ҳар йили ортин билан бажаради. Ўз ишини аъло даражада билиши, ҳалол меҳнат қилиши тугайли бирлашмада уни хурмат қилишди. Яхши ишлагани учун раҳбарлар маошига 10 фоиз қўшиб беришган. «Чорвачилик устаси» уноинин олганига эса анча бўлди. Ўйлаганига бирорта янги одам келса, уни аяббатта дастлаб Ноила опага бирик-тиришди. Тажрибали товўқ-боқар шогирдини астойдил иш ўргатади, кўмак беради.

Ноила опа ҳақида бирлашманинг истаган аъзосидан сўрасангиз, бирден ижобий жавоб оласиз. Хуллас, бир сўз билан айтганда ҳақон, намунали, дондор ишчи.

Ўз набатидида у ҳам касбдошлари, жамоаси, ўз иши

ҳақида мамнунилик билан гапиради.

— **Ютуқлар, муваффақиятларингиз ҳамиша ўзингизники. Камчиликлар ҳам борми?** — сўрайман Ноила Нигматулинадан.

— Ҳа, биз ерда бўлганидек, бизнич бирашмада ҳам етчимовчилар, маъжуд, — дейди Ноила опа. — Ишимиз соат 8 дан 18 гача. Кечта қилиш сира мумкин эмас. Бироз кечингаси, товўқлар режими бўлиб, безовта-талаба бошлашди. Маршрутдаги автобусларга эса ишонч

— **Турмуш ўртоғингизнинг маоши қанча?**

— У киши 200 сўм оладилар.

— **Мана шу даромад билан тирикчилик қилиш қийин бўлмайтими?**

— Икки ўғлим заводда, учинчиси эса «Ўзбектеофизика» бирлашмасининг ҳисоблаш марказида техник бўлиб ишлайди. Кенжа қизимиз мактабда ўқийди. Илгари маошимиз ҳамма нарсасига етар эди. Энди аҳвол қандай бўлишини билмайман. Нархлар кўтарилиб кетди. Қиммат бўлса ҳам озди-овқатлар дўноқларда бемалол сотилса майли эди-я. Ҳамма нарсаси талон билан берилади. Биз қишлоқ жойда яшайганимиз сабабли сариғ, тухум, гўшт беришмас экан. Қийинчили энди бошланса керак. Шу йил тўнғич ўғлимиз Мажидни уйлантиришмоқчи эдик. Бу нақатни йўқчилида тўй қилиш ҳам осон бўлмас.

Ноила онанинг гапларида жон бор. Бундай оилалар қишлоқларда талайгина. Ўзбек халқининг тўй-матраси ўзинингизга маътуз. Шундай экан йиғиларимизни бироз ихчамлаштиришга тўғри келади.

Р. УСМОНОВА.

